

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил февраль ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья А.Шамахмудов раислигида,

судья ёрдамчиси [REDACTED] котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED], адвокат [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган

[REDACTED]
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича [REDACTED] 2021 йил 19 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан 1 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] 2022 йил 17 январдаги ажримига асосан, жазонинг ўталмай қолган муддати 1 йил 3 ой 7 куни ЖКнинг 48¹-моддаси тартибида шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, вақтинча ишсиз, [REDACTED] муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, ҳозирда 1-сонли Тергов ҳибсхонасида сақланаётган, айблов хулосасини нусхасини 2022 йил 7 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган

[REDACTED]
[REDACTED], миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича [REDACTED] 2015 йил 3 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида иш ҳақининг 20% давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 11 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз, [REDACTED]



бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини нусхасини 2022 йил 14 январь куни олганга нисбатан

1-1004-2106/470-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилиб, олдиндан тузилган пухта жиноий режаси асосида, 2020 йил август ойида [REDACTED] вилояти, [REDACTED] олдида, унга олдиндан таниш бўлмаган [REDACTED] билан кўришиб, уни уй қураётганидан фойдаланиб, унинг ишончига кириб, қураётган уйга бетон плита олиб келиб беришни ваъда қилиб, К [REDACTED] 8.500.000 сўм пулларни олиб, берган ваъдасини бажармасдан бетон плита олиб келиб бермасдан, пулларни ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Судланувчи [REDACTED] тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда эски биноларни бузиб ундан чиққан бетон ва бошқа буюмларни сотиш билан шуғулланиб келгани сабабли тахминан 2020 йил сентябрь ойида Яшнобод тумани ҳудудида жойлашган сносга тушган эски биноларни шериги [REDACTED] билан бузиш ишларини олиб боришаётган вақтида [REDACTED] олдиларига келиб [REDACTED] 3- [REDACTED] қурилиш ишларини қилаётгани сабабли бетон плита сотиб олмоқчи эканини айтганини, [REDACTED] билан бирга савдолашиб тахминан 24 дона ҳар битта бетон плитани манзилига етказиб бериш, ўлчаб кесиб бериш ва айтилган жойига ўрнатиб бериш шарти билан 800.000 сўмдан келишишганини, ўша вақтнинг ўзида [REDACTED] 100 АҚШ доллари олдиндан гаров (заклат) берганини, [REDACTED] билан келишишган вақтларида бир ҳафта ичида бетон плита тайёр бўлиши билан етказиб беришга келишишганини, орадан бир ҳафта ўтиб келишилган вақт келганда [REDACTED] келишилган 24 дона бетон плитани тайёрлаб қўйишганини сўраганида, ҳозирги вақтда бетон плитани қўйишга жойи йўқлигини, жойи тайёр бўлганидан сўнг олиб келиб беришларини айтишганини, уларга сносга тушган биноларни тезликда бузиб кетинглар деб топшириқ бергани сабабли бетон плиталарни арзон нархга бошқа шахсга сотиб юборишганини, орадан 4-5 кун ўтиб [REDACTED] 4 дона бетон плитани олиб келиб беришларини сўраганини, [REDACTED] билан бирга заводдан 4 дона бетон



плитани ҳар бир донасини 950.000 сўмдан жами 3.800.000 сўмга сотиб олиб [REDACTED] уйига олиб бориб бериб, ундан 3.800.000 сўм пулларни олиб кетишганини, орадан бир ҳафта ўтиб 12 дона бетон плиталарни олиб бориб бериб унинг ҳам пулларини тўлиқ олиб кетишганини, орадан 20 кун ўтиб [REDACTED] 16 дона бетон плитани олиб келиб, ўрнатиб бериш билан ҳар бир донасини 800.000 сўмдан жами 12.800.000 сўмни олиб шундан 12 дона бетон плитани олиб бориб беришганини, лекин олиб борган 12 дона бетон плитани кесиб жойига ўртаниб беришлари қолиб кетганини, шу орада 4 дона бетон плитани топа олмаганини [REDACTED] хонадони 2 қаватли бўлгани ва 2 қаватга бетон плитани техникалар қимматроққа кўтариб ўрнатиши сабабли у берган 800.000 сўм қопламаганини айтиб, унга пулини қайтариб беришларини айтишганида [REDACTED] бетон плитани келишилган нархда олиб келиб ўрнатиб беришларини сўраганини, бетон плитани олиб бориш ва ўрнатиб беришни 800.000 сўм қопламагани сабабли унга 4 дона бетон плитани олиб бориб бермасликларини айтишганини, шу орада унга қайтариб бериш учун пуллари йўқлигини, 4 дона бетон плитанинг 3.200.000 сўмини ва олиб бориб берган 22 дона бетон плитани ўлчаб кесиб бериш ва белгиланган жойига ўртаниб бермаганликлари учун 1.800.000 сўм, жами 5.000.000 сўм [REDACTED] қарз бўлиб қолишганини, қолган пуллар [REDACTED] томонидан қайтариб берилганини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён этиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда эски биноларни бузиб ундан чиққан бетон ва бошқа буюмларни сотиш билан шуғуллангани сабабли тахминан 2020 йил сентябрь ойида Яшнобод тумани ҳудудидаги сносга тушган эски биноларни шериги Ж.Юсупов билан бузиш ишларини олиб бораётганида [REDACTED] келиб, уларга [REDACTED]

қурилиш ишларини қилаётгани сабабли бетон плита сотиб олмоқчи эканини айтганини, [REDACTED] билан бирга [REDACTED] билан савдолашиб тахминан 24 дона ҳар битта бетон плитани манзилига етказиб бериш, ўлчаб кесиб бериш ва айтилган жойига ўрнатиб бериш шарти билан 800.000 сўмдан келишишганини, ўша вақтнинг ўзида [REDACTED]

К [REDACTED] билан келишганларида бир ҳафта ичида бетон плита тайёрлаб етказиб беришга келишишганини, орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг [REDACTED] 24 дона бетон плитани тайёрлаб қўйишганини айтишганида, у ҳозирда бетон плита учун жойи йўқлигини, жойи тайёр бўлганидан сўнг олиб келиб беришларини айтганини, ўша пайт уларга сносга тушган биноларни тезликда бузиб кетишлари керак бўлгани сабабли бетон плиталарни арзон нархга бошқа шахсга сотиб юборишганини, ўша вақти 3.600.000 сўм зарарига



сотиб юборишганини, орадан [REDACTED] 4 дона бетон плитани олиб бориб беришларини сўрашганини, кейин [REDACTED] билан бирга заводдан 4 дона бетон плитани ҳар бир донасини 950.000 сўмдан жами 3.800.000 сўмга сотиб олиб, [REDACTED] уйига олиб бориб бериб, ундан 3.800.000 сўм пулларни олиб кетишганини, орадан бир ҳафта ўтиб 12 дона бетон плиталарни олиб бориб бериб, унинг ҳам пулларини тўлиқ олиб кетишганини, орадан 20 кун ўтиб [REDACTED] 16 дона бетон плита учун кесиб ўрнатиб бериш билан ҳар бир донасини 800.000 сўмдан жами бўлиб 12.800.000 сўм пул олиб, шундан 12 дона бетон плитани олиб бориб беришганини, лекин 12 дона бетон плитани кесиб жойига ўртаниб беришмаганини, шу орада 4 дона бетон плита топа олмай қолганини, ўша вақти [REDACTED] хонадони 2 қаватли бўлгани ва 2-қаватга бетон плитани техника ёрдамида ўрнатиш қимматроқ бўлиши сабабли у берган 800.000 сўм қопламаслигини айтиб, унга пулини қайтариб беришларини айтишганини, [REDACTED] улардан бетонни келишилган нархда олиб келиб ўрнатиб беришларини сўраганини, унга 800.000 сўм бетон плитани олиб келиб, кесиб, ўрнатиб бериш учун қопламагани сабабли унга 4 дона бетон плитани олиб бориб бермасликларини айтишганини, шу орада унга қайтариб бериш учун пуллари бўлмагани сабабли 4 дона бетон плитанинг 3.200.000 сўм пулларини ва олиб бориб берилган 22 дона бетон плитани белгиланган жойига ўртаниб беришмаганини учун [REDACTED] жами 5.000.000 сўм қарз бўлиб қолишганини, қолган пулларни тўлиқ қайтариб берилганини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён этиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гарчанд судланувчи [REDACTED] айбларига тўлиқ иқрор бўлсалар-да, суд уларнинг айблари қуйида келтирилган далиллар:

жабрланувчи [REDACTED] дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2020 йил август ойида [REDACTED] бошлаб, қурилишга бетон плита керак бўлгани сабабли “olx.uz” ижтимоий сайти орқали қидирган вақтида бетон плиталарни етказиб бериш ҳақидаги эълонни кўриб қолганини, ушбу эълонда кўрсатилган [REDACTED] телефон рақамига қўнғироқ қилганини, унга ўзини [REDACTED] таништирган шахс жавоб берганини, у билан телефон орқали суҳбатлашиб, ундан 32 дона бетон плиталарни хонадонига етказиб беришини, ҳар бирини ўлчаб кесиб бериш ва хонадонининг том қисмига кран ёрдамида ўратиб бериш шарти билан 800.000 сўмдан жами 25.600.000 сўмга сотиб олишга келишиб, [REDACTED] олдидан 3.000.000 сўм пул бериб, қолган пулларни бетон плиталарини олиб келишганидан сўнг беришга келишишганини, уларга пулларни [REDACTED] халқа йўлида жойлашган [REDACTED] қишлоқ хўжалиги техникалар” сотилаётган автосалон олдида 2020 йил



23 сентябрь куни соат 11:30 ларда берганини, шу пайт [REDACTED] унга ўша жойда бузилаётган бинодаги бетон плиталарини кўрсатиб, уч кундан сўнг қурилиш қилаётган манзилига олиб бориб беришларини айтишганини, уларнинг гапларига ишониб уйига кетганини, 2020 йил октябрь ойининг бошларида қурилиш учун 12 дона бетон плиталарни [REDACTED] олиб келиб беришганини, улар ундан плиталар учун 9.600.000 сўм олиб кетишганини, улар 12 дона бетон плиталарни хонадонига ўлчаб, кесиб том қисмига ўрнатиб бериши керак бўлганини, эртаси куни [REDACTED] телефонларига кўнғироқ қилганида телефонлари ўчиқ бўлганини, кейин бошқа устани олиб келиб, ушбу бетон плиталарни кесиб бўлиб кетганини, орадан 20 кун ўтиб [REDACTED] кўнғироқ қилиб, коронавирус касаллигига чалиниб, шифохонада даволаниб чиққанини, келишув бўйича қолган бетон плиталарни етказиб беришини айтиб, ундан 5-6 олти маротаба бўлиб-бўлиб пул олиб кетиб, 11 дона бетон плиталарни олиб келиб бериб, улар яна йўқолиб қолганини, терговга қадар улар 8.500.000 сўм пулларини бермасдан келганини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, [REDACTED] қолган пулларни берганини, судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини баён этиб берган кўрсатуви;

терговга қадар текширув ҳужжатлари, нарсани кўздан кечириш, овозли ёзувни эшитиб кўриш ва сўзлашувлар матнини тузиш баённомаси, ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, юзлаштириш баённомаси ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатлари квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди - “фирибгарлик, яъни такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкини қўлга киритиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлар билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатлари квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, яъни “фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қўлга киритиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлар билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори



жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганини, ёшини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини ҳамда жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган жазо тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топади.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганини, ёшини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини ҳамда жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган жазо тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топади.

Шунингдек, жиноят ишида ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона овозли ёзувлар бўлган СД диск ва ҳужжатларни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED]
Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбдор деб топилсин ва шу модда билан иш ҳақининг 15 % давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазони илгариги 2021 йил 19 октябрдаги ҳукм билан белгиланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил колонияда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 17 январдан бошлаб ҳисоблансин.

қилинсин.

2022 йил 17 январдаги ажрими билан қамоққа олингани инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбдор деб топилсин ва шу модда билан иш ҳақининг 15 % давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини амалга ошириш [] яшаш жойи бўйича Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

[] нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган СД-диск ва ҳужжатлар жиноят ишида сақлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: _____

